1918 ЙИЛ
21 ИЮНЬ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЕТМИШ БЕШ ЁШГА ҚАДАМ ҚЎЙДИ

1992 ЙИЛ
21 ИЮНЬ

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Узбекистон» (1924—1964 й). «Совет Узбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Узбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 122 (21. 221) 1992 йил 23 июнь, сешанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

● *Ўзбекистон—Малайзия:*

ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ ҲАМКОРЛИК

⊙ Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Малайзияга ташрифи чоғида Осиёдаги икки мамлакат ўртасида иқтисодий соҳада, жумладан банк тизимини ривожлантиришда кенг кўламли ҳамкорлик бошлашни таклиф қилди. Президентнинг Малайзияга ташрифи 21 июнь куни тугади.

Малайзия ташқи ишлар вазири Абдулла Аҳмад Бадави (у расмий дўстлик ташрифи билан яқинда Ўзбекистонда бўлган эди)нинг оммавий-ахборот воситалари вакилларига маълум қилишича, Ислом Каримов мамлакат Бош вазири Махатхир Муҳаммад билан музокаларда бу масалани батафсил муҳокама қилди.

Ислом Каримовнинг Малайзияга давлат ташрифи чоғида Ўзбекистон билан шу мамлакат ўртасида иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Нефть ва газ конларини ўзлаштиришда, бу энергия манбаларини қазиб чиқаришни кўпайтиришда республикамизга ёрдам бериш имкониятлари атрофлича муҳокама қилинди.

Бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликка доир бир қанча масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

И. А. КАРИМОВ ИНДОНЕЗИЯДА

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 22 июнь куни Индонезияга келди. Шу мамлакатга келиш билан унинг Осиё—Тинч океани минтақаси мамлакатлари бўйлаб сафари ниҳоясига етади, сафар чоғида у ҳозиргача Корея Республикаси ва Малайзия раҳбарлари билан давлатлараро музокаралар олиб борди.

Ислом Каримовнинг Индонезия Президенти Сухарто, вице-президент Судармоно билан музокаралари унинг Индонезияга ташрифи режаларида муҳим ўрин тутади. Ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро шартнома, Ўзбекистон билан Индонезия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисида битим имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг бошлиғи таниқли ишбилармонлар ва молия арбоблари билан учрашди, Индонезия савдо-саноат палатаси раҳбарлари, шу мамлакат сармояларни сарфлашни мувофиқлаштириш бюроси раҳбарлари билан музокаралар олиб боради. Йирик саноат корхоналарига бориш назарда тутилган.

Ислом Каримов диндорларнинг турмуши билан ҳам танишади, Индонезияда динга ишонувчиларнинг мутлақ кўпчилиги мусулмонлардир. Ташриф режасида Ўзбекистон Президентининг мамлакатдаги энг катта Истиқлол масжидига бориши кўзда тутилган.

Маҳаллий сиёсатчилар ва оммавий ахборот воситалари Индонезия билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги ўзаро манфаатли ва истиқболли, деб ҳисобламоқдалар.

(ЎзА).

ИСТИҚЛОЛ НАШИДАСИ

Халқимиз ҳаётида мислсиз тарихий ўзгаришларнинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Асрий зулм-истибдоддан қутулиб, мустақил давлат сифатида жаҳон майдонига чиқишдек оламшумул воқеани бадиий-рамзий уйғунлаштириб, республикамиз пойтахтида Озодлик обидасини бунёд этиш йўлида куч-ғайрат сарфланаётгани ҳаммамизга маълум. Лекин бундай обидани яратиш ўта мураккаб, ўта масъулиятли ишдир. Бундан илгари шундай обида яратиш юзасидан энг яхши лойиҳа режаси учун ўтказилган танлов якунларидан сизларни воқиф этган эдик. Бу танлов келаси йилдан халқаро миқёсда давом эттириладиган бўлди. Ҳозирча эса Тошкентдаги Мустақиллик майдони марказида муваққат обида қад кўтаради.

22 июнь куни Мустақиллик майдонида ана шу обида лойиҳаларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш бўлди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат котиби Р. Ражабов очиб, Мустақиллик куни тобора яқинлашиб келаётганини, уни жуда катта тарихий аҳамиятга молик воқеа сифатида кенг нишонлаш лозимлигини таъкидлади.

Шундан сўнг меъморлар, рассомлар, қурувчилар муҳокамага тақдим этилган икки лойиҳа юзасидан фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Муаллифлар — С. Одилов ва Ф. Турсуновга лойиҳанинг энг яхши жиҳатларини уйғунлаштириб, ягона бир обида яратиш вазифаси таклиф этилди.

Мустақиллик майдони марказидаги собиқ доҳий ҳайкали шоҳсупаси устида Ер шари кўринишида қад кўтарадиган бу обидада жаҳондаги бошқа мамлакатлар қатори Ўзбекистон харитаси ҳам ўз аксини топади ва унга зарҳал ҳарфлар билан «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар ёзиб қўйилади. Шоҳсупанинг олд томонига мустақил республикамизнинг тамғаси туширилади. Тагига эса Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Фармонининг матни ўзбек тилида битилади. Обида она-Ватанимиз Ўзбекистон Мустақиллиги нишонланадиган 1 сентябргача қуриб битказилади.

Озодлик муваққат обидаси лойиҳалари муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров, Республика Президенти давлат маслаҳатчиси Б. Назаров қатнашдилар.

Б. АБДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

● ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАТБУОТИНИНГ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИДАН БИРИ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЎЗИНИНГ ТАБАРРУҚ 75 ЁШИГА ҚАДАМ ҚЎЙДИ.

ХАЛҚ МИНБАРИ

УНИНГ жилд-жилд китобларга тенг саҳифаларини варақлар эканмиз, Туркистон тарихи, Ўзбекистон босиб ўтган воқеаларга бой, ёруғ ва қоронғу кунлар кўз-ўнгимизда намоён бўлади. Авлодларга ўрнак бўларли ишлар қилган ота-боболаримиз қаторида, озод инсон учун даҳшат келтирган, юракларни ўртайдиган, ғамнок муҳит мўътиларини ҳам кўрамиз.

Одамзоднинг энг юксак, эзгу ниятларини қадрлаб келаётган газетанинг мустақил Ўзбекистон кунларидаги мазмун-мундарижаси ўзгача. Бир олам орзу билан яшаётган, зўр ишларга ҳозир ва қодир, қудратли ўзбек халқининг ҳақиқат минбари бугун ўсиш-униш хизматида.

Газетанинг холис, устивор нияти, туб мақсади унинг биринчи сонидаёқ аниқ ифодаланган эди. «Яшасин ҳуррият!» сарлавҳали шеър билан муштарийларга қалбини очган:

Кўп замон чекдимиз зулм ва ситам,
Турли исканжалар, жафо ва алам,
Энди нур эмди бу қора олам,
Барчамиз шод, барчамиз ҳуррам!

Эрдимиз қул каби асир забун,
Заҳар эди ичган ошимиз ҳар кун,
Бағримиз қон эди, жигарлар хун,
Қанча ваҳшат айлар эди забун!

Неча юз минг қирилди инсонлар,
Оқди дарё каби ноҳақ қонлар.
Кўп шаҳар бўлди маҳв, вайронлар,
Бўлсин энди қабул шу қурбонлар!

Яшасин озод ҳуррият, яшасин!
Яшасин янги салтанат, яшасин!

Афсуслар бўлсинки, бу кунга келиб, очиқ кўриб, борича англаб турибмизки, «янги салтанат» эскисидан ошиб тушди. Зулмат, жафони, ҳақсизлик, ҳуқуқсизликни лаънатлаб, озодлик, нур, бахтни, адолатни мадҳ этган эркин инсон тасаввуридаги замон сароб бўлиб чиқди. Қизил мустамлаканинг мудҳиш ёвузликлари, ҳуррият манфаатларига қарши ҳиёнатлари, таҳдидлари турли ниқоб, найранглар билан ҳаётга сингдирилди. АҚлу заковат устун келиб, бу сохталикка қарши отланган, гумроҳ бандаларни уйғотишга от солган, тирикликнинг бетинч кўчасига кирган юртпарварларнинг оташ нафаси сўндирилди. Шундан бўлсамикин, давримиз назмининг дарғаси Ўзбекистон халқ шоири Абдулла ҳожи Орипов ўз ўтмишдоши фикрини тўлдириб, Ўзбекистон мустақилликка эришган 1991 йил 1 сентябрь куни «Ўзбекистон овози» деб янги номда чиққан газетага илтифот этган шеърида ёзади:

Адолатнинг ҳаётбахш шамоллари елдими,
Ҳақ ниҳоят халқимнинг арзин қабул қилдими,
Неча йиллар орзиқиб кутган кунлар келдими,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин.
Ўзбекнинг ўз уруғин экканлиги рост бўлсин.

ЙИЛЛАР суронидан эсон-омон ўтиб, ҳазон бўлмай яшаб келаётган газетанинг сир-синоатлар тўла саҳифаларига боқамиз. Мақолалардан мақолаларга, ахборотлардан-ахборотларга кўчар эканмиз даврлар сурони, босиб ўтилган йиллар сурони аён бўлади. Турли синоатлар, ҳикматлар, туйғулар мужассам бу кунларга етган, етмаган минг-минглаб қаламкашларнинг, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, турли-туман касб эгаларининг, ёшу қари юртдошларимизнинг овози янграйди. Шунда тўла ишонч, камоли эҳтиром билан, адолат ва инсоф юзасидан қуйидагича хулосага келасиз:

БИРИНЧИДАН, «Ўзбекистон овози» кундалик, ўтмиш қатида қолиб, унутиладиган газетагина эмас, балки Ўзбекистон халқлари иҳтимоий, иқтисодий ва маданий тарихининг бир бўлаги, эзъозли қадрияти. Бугун биз мустақил Ўзбекистон тарихини яхлит, холис ўрганар эканмиз, этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидек, отахон газетани ҳам сунъий равишда, кўпчиликка маълум бўлмаган тор манфаатлар, калта ўйлар тўрига тушиб, миллий тарихимиздан юлиб ташлаб бўлмайди. Кўпни кўрган, тажрибали, ота-боболаримиз меҳри тушган зиё манбаини ардоқлаб, унинг қадрини жойига қўйган одам ютади. Бозор иқтисоди, муаммолари, сиёсатдаги танглик ўтиб кетади, мустақил Ўзбекистон истиқболда бақувват, кам-кўстсиз давлат шоҳсупасига чиқади, бу қуёш, ойдек равшан. Ўткинчи қийинчиликлар асири бўлиб, йиллар ўтиб, умри ҳазон бўлмаган газетадан кечманг, эътиборингиз ойнаси хиралашмасин. Ҳам беназир маънавий, ҳам миллионмиллион моддий фойда бериб келган газета умрига бириб-билмай завол бўлаётган кимсалар, тўрт девор ичида кўринмас ерда аждодларнинг руҳини, оч-наҳор, ўққа учиб, кўз нурини, қалб қўрини газеталар саҳифасига тўкиб солган қаламкашлар арвоҳини чирқиратиб, қақшатиб юрманг, йўл беринг! Бинобарин, яхшилик: соя эмас, қуёшлик кунда эргашиб юрадиган, қорунғу, булутли кунларда ҳам ҳамроҳингиз бўлган дўст ишидир. Газетага дўст бўлиб боқинг, кўнглингиз доғдан мусаффо бўлади, авлодлар рози, ўзингиз хушнуд яшайсиз. Мусаффо, мукаммал, расо яратилган оламнинг қудратли бир белгисидан даво изланг, адо эмас. «Ўзбекистон овози» ишончингизни оқлайди, газетачилик сарҳадида туғилган солномамиз бундан буён ҳам тонг-саҳар эҳтиёсидек шодон туйғуларингизни уйғотиб яшашга қодир, мустақиллик жарчиси янглиғ халқ билан олға одим ташлайверади. Мақсади янги замон, янги, теран талаблар асосида камол топиб, устивор бўлиб яшашдир.

ИККИНЧИ ФАЗИЛАТИ, «Ўзбекистон овози» Ўзбекистон журналистларининг, буюк қалам соҳибларининг табаррук маҳорат мактаби ҳамдир. Ҳеч муболағасиз, фахр билан айтиш мумкинки, газета жамоаси ўзининг қайноқ, мусаффо, одил, талабчан ижодий муҳитида кўплаб ижодкорларни етиштирган. Айни вақтда етук дорилфунун сифатида кўп жабҳаларга етакчи ходимларни камол топтириб узатган. Давлат жамоат идораларига раҳбарлик қилиб келган қатор улкан арбоблар, атоқли адиблар, фан саркардалари унинг ижод мактабида, билим устахонасида чиниқиб, тиниқиб ҳаёт йўлига кирган «Ўзбекистон овози» фарзандларидирлар. Ўзбек халқининг севимли ўғлонлари, йирик давлат, жамоат арбоблари, адиб ва олимлари Акмал Икромов, Ғафур Рашидов, Сулаймон Азимов, Сидиқ Ражабов, Ҳожиакбар Ғуломов газетанинг ардоқли бош муҳаррирлари бўлишган

Ўзбек адабиёти ва журналистикасининг асосчилари, отахонлари. йирик намояндалари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Комил Яшин, Собир Абдулла, Зулфия, Мақсуд Шайхзода ва бошқа юзлаб қаламкашлар «Ўзбекистон овози»да меҳнат қилган ёки бевосита ходим бўлиб ишламаган бўлсалар ҳам, таҳририят аъзоси бўлганлар, ижодлари билан фаол қатнашганлар. Ўзларининг илк ғазал, ҳикоя, лавҳаларини, йирик асарларидан парчаларни шу рўзномада чиқарганлар. Шу рўзнома орқали ижтимоий ҳаётда иштирок этганлар; «Ўзбекистон овози» саҳифаларини ўқиб, журналистика ва адабиётдан сабоқ олганлар, ўз қаламларини шу ерда чархлаганлар; тобланиб, камолга етганлар, ижод оламининг уфқларига шу муқаддас устоз даргоҳидан парвоз этганлар, халққа элга, жаҳонга танилганлар.

Атоқли шоир Ғафур Ғулом «Янги парвозлар сари» сарлавҳали мақоласида, «1923 йилда «Туркистон» газетасида оддий мухбир эдим» деб ўзига биринчи қалам тутқазган «Ўзбекистон овози» эканлигини эътироф этади.

Таниқли сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳор ҳам «Ўзбекистон овози»нинг фарзандидир. У рўзноманинг маданият бўлимини бошқарган, адабий котиби бўлган. Улғайиш кезларини у шундай ҳикоя қилади: «Ўзбек матбуотининг дастлабки сонлари чиққан вақтларда газетачи кадрлар жуда оз, борларининг ҳам бир қисми эски мактаб ва мадрасалардан чиққан бўлиб, фикрда «мия ўзгармагунча бошқа ўзгаришлар негиз тутмас» деган ақидадан унча ҳам йироқ кетмаган маърифатпарвар зиёлилар эди...

Газетани кенг омма билан бу қадар маҳкам боғлаган, халқнинг дилига йўл очиб берган куч, шубҳасиз ҳақ сўз эди».

Назир Сафаров, Иззат Султон, Акмал Пўлат, Иброҳим Раҳим, Мақсуд Қориев, Саъдулла Караматов, Ўктам Усмонов ижодий изланиш йилларининг талай қисмини шу газетада ўтказганлар.

Моҳир сўз санъаткори, ёзувчилар Ҳамид Ғулом, Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Мамарасул Бобоев, Рамз Бобожон, Раҳмат Файзий, Мирзакалон Исмоилий, Назармат, Адҳам Раҳмат, Султон Акбарий, Жуманиёз Жабборов, Ўткир Ҳошимов, Худойберди Тўхтабоев, Эътибор Охунова, Ўткир Рашид, Йўлдош Шамшаров, Саид Аҳмад, Ёқубжон Шукуров, Амин Умарий, Парда Турсин, Ҳасан Пўлат шу даргоҳда ишлаганлар. Шу масканда Самар Нуров, Охунжон Ҳакимов, Фозилжон Зоҳидов, Ҳабиб Саъдулла, Муроджон Мансуров, Анвар Эшонов, Маъриф Жалилов ва бошқалар отахон газетачилардан ижод сирларини ўрганганлар.

Тарих фанлари докторлари Мавлон Ғаффорович Ваҳобов, Тўғон Эрназаров, фалсафа фанлари доктори Абдураҳмон Ортиқов, филология фанлари доктори Собир Иброҳимов, таниқли олимлар — Омонулла Файзуллаев, Асл Рашидов, Абдуллажон Олимжонов «Ўзбекистон овози»да камол топганлар. Турли газета ва журналларга бош муҳаррирлик қилган Зиёд Есенбоев, Ҳолбек Ёдгоров, Нуъмон Ғуломов, Аҳмад Исмоилов, Лутфулла Ҳамроев, Абдулла Лутфуллаев, Собиржон Шокаримов, Тўлаган Соатов, Болтабой Юсупов, Аъзам Мирбобоев, Йўлдош Муқимов шу газетадан миннатдордирлар.

Босмахонада ўз меҳнатлари билан ўчмас из қолдирган, ўзбек матбуотчилиги сарҳадларида турган Асқар Абдураҳмонов, Фахриддин Йўлдошев, Анвар Носирхонов, Латиф Миртемиров, Тўлаш Музаффаров, Тавфиқ Абдураҳмонов, Ориф Иброҳимов, Роза Минулина, Мирзоҳид Миршаропов, Қодир Қодиров, Азиз Обидов, Рифқат Гариповлар газетанинг ҳар тонг билан юз кўринишида кўп меҳнат қилишган. Қўрғонпийча кўчирилган ҳарфлар ижодкори Ислом Шоғуломов бугун йирик «Шарқ» концернининг матбуотчи раҳбари.

Тақдири «Ўзбекистон овози» билан боғлиқ мухбир, матбуотчи, жамоатчиларни санаб адо этиш қийин.

Рўзноманинг узоқ умрида ходимлар қонуний равишда алмашиб турдилар. Ижод оқими эса ўз йўналишида янги соҳаларга, янги марраларга кўтарилганини, мазмуни бойиб, унинг жанговарлиги ошиб борганлигини, омма билан алоқаси мустаҳкамланиб, унинг халқчиллик, таъсирчанлик доираси беқиёс кенгайаверганини кўрамиз.

УЧИНЧИДАН, «Ўзбекистон овози» газетаси ўз ҳамроҳлари орасида муттасил чиқиб келаётган, ўзини босиб олган вазмин, холис, ҳақ сўзли, халқ иродасини ифодаловчи нашрдир. Давр даъвати, турмуш тарзи, сиёсат тақозоси билан чиқарилган ҳужжатлар, ҳукмлар, дастурларни унинг саҳифаларида илк бор ўқиб, ўйларга чўмади, хулосалар, афсуслар, ибратлар, режалар дарёсига ғарқ бўлади киши. Ким қайси касбда ишламасин, неча ёшда бўлмасин, миллатидан қатъи назар ўзини қизиқтирган мавзусини, тафаккур тегрмонида тортувчи донини ундан топа олади. Йиллар оша жумҳуриятимиз ҳаётининг барча соҳаларини ўзининг оташнафас саҳифаларида мунтазам ёритиб келаётган «Ўзбекистон овози» бугун ҳам ҳар бир хонадоннинг, ҳар бир ишчи, деҳқон, ҳар бир зиёлийнинг азиз меҳмони, яқин, беминнат маслаҳатгўйи бўлиб қолмоқда.

ГАЗЕТА жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Раиси бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши, бардам-бақувват, қудратли давлатга айланиши, мустақиллигининг мустаҳкамланиши Дастурини изчиллик билан амалга оширишда унга ўткир таъсирли нафаси билан ёрдам бермоқда, куч-ғайратини, билими ва маҳоратини бағишламоқда. Унинг катта хизматлари қадрига етиш, газетани ғамхўр дўст даражасига кўтариш, унинг энг муҳим масалалар юзасидан чиқишларини, ташаббусини ўз вақтида маъқуллаб, тегишли қарорларни, айниқса, рағбатлантиришни мунтазам йўлга қўйиш истиқбол режаларидир.

Халқ демократик партияси аъзоларининг етакчилик роли тўла-тўкис намоён бўлиши лозим. Аввало, ҳар бир партия аъзоси ҳалол меҳнат қилиши, ташаббускорлик ва ижодкорлик, юксак уюшқоқлик ва интизом намунасини шахсан кўрсатиши кўзда тутилади. Шу билан бирга, яхши ишлаши, ўзини намунали тутиши билан, айни вақтда у камчиликларни тугатиш учун қатъият билан фаол курашиши, мураккаб шароитларда ишларнинг аҳволини яхшилашга интилиши зарур. Газетанинг куч-қудрати ҳаётга яқинлиги ва халққа таянишидадир. Газета ўз фаолиятида бу муҳим, зарур масалага ҳамиша катта эътибор бериши, меҳнаткашлардан таҳририятга келаётган хатларни чуқур ўрганиб, уни қадрлаб, кенг ўрин бериши керак. Шу маънода у халқнинг дўсти, ҳамкори, мададкори, бўлиб келмоқда.

ЎТМИШ тўрт йил давомида газета ҳар жиҳатдан беқиёс ўсди. Унинг ҳозирги ҳаёти катта, алоҳида бир мавзу. Йил давомида ҳаммамиз бир бўлиб, газетада ишлаб кетганлар, уларнинг авлодлари, ҳозир фаолият кўрсатаётганлар бу мавзуни ёзиб, тўлдириб борамиз.

Биз мустақил Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари сафида туриб ўз куч-ғайратимизни ҳал қилувчи, устивор йўналишларга қаратамиз. Янги давр, янги талаб даражасида фаолият кўрсатаётган, янгиликлар кашф этаётган замондошларимиз ҳаётини, тажрибасини қўллаб-қувватлаш, мароқли ҳикоя қилиш, ўткир ахборотларни тез юзага чиқариш, амалий, хайриҳоҳ танқидни ижодий ишларни кўпайтиришга қаратиш муҳим вазифамиз эканлигини тушунамиз.

Мустақилликни мустаҳкамлаш муддаомиздир. Бунинг учун бутун маҳоратимизни, ижодий изланишларимизни янада фаолроқ ишга соламиз.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Кеча газетамиз таҳририяти жамосининг «Ўзбекистон овози» чиқа бошлаган кунининг 74 йиллигига бағишланган йиғини бўлиб ўтди. Бир пиёла чой устидаги самимий давра суҳбатини газетанинг бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Расул Раҳмонов бошлаб берди.

Сўзга чиққанлар республика журналистлари томонидан ҳақли равишда «отахон газета» деб тан олинган рўзноманинг таъмал тошини қўйганлар ва унга шон-шуҳрат келтирганлар хотирасини ёдга олдилар. Газетанинг келаси йили нишонланадиган чоракам бир асрлик тўйига ҳозирлик кўриш, таҳририят ижодий жамоаси олдида турган вазифалар ҳақида мулоҳазалар юритилди. У том маънода мустақил Ўзбекистон Республикасининг овози, миллат маданиятининг кўзгуси бўлиши керак, дейилди маросимда.

Унда қатнашган Саудия арабистонлик ватандошимиз Сайид Мубошир Сулаймон ўғли Косоний қаламкашлар ижодига кушойиш тилади.

Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий ўзининг дилрабо қўшиқлари билан бир пиёла чой устидаги давра суҳбатига файз бағишлади.

МУШТАРИЙЛАР УЧУН МУЛОҚОТ

● Республика ҳукумати ҳозирги оғир иқтисодий аҳволдан чиқишнинг чораларини излаяпти. Бу ҳақда қатор расмий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Агар қарор ва фармойишлар амалда ишламаса, турмушга жорий этилмаса, вазият ўзгармайди, халқнинг турмуши ўнгланмайди. Демак, ҳамма гап — қарорларнинг бажарилишида. Уларни ҳаётга тадбиқ этишда эса асосан ҳокимиятнинг ўрта ва қуйи бўғинлари муҳим роль ўйнайдилар. Яқинда жамоатчи муҳбиримиз Тўра ИСКАНДАРОВ Тошкент район ҳокими, Ўзбекистон халқ ноиби Рустам АҚБАРОВ билан учрашиб, районда олиб борилаётган ишлар, республика Президенти И. Каримовнинг вилоят, шаҳар ва район ҳокимлари билан учрашувида кўтарилган айрим масалалар Тошкент районида қай тарзда ҳал қилинаётгани хусусида суҳбатлашди.

ҲОКИМ ХАЛҚҚА, ХАЛҚ ҲОКИМГА ИШОНСА ҚАНДАЙ ЯХШИ...

— Рустам ака, гапнинг сирасини айтганда, республикамизда ҳокимлик бошқарувни жорий қилинишини ҳамма ҳам бирдай ижобий қўллаб-қувватлаб қабул қилгани йўқ. Бу хусусда ҳар хил қарашлар, турли хил фикр-мулоҳазалар айтилмоқда. Кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган, ҳамиша халқ билан бирга бўлган киши сифатида бу тўғрида Сиз қандай фикр билдирасиз?

— Биласизми, мен давлат бошқаруви ҳокимияти тизимини гуркираб ўсиб турган азим дарахт илдизларига қиёслагим келади, унинг юзлаб, минглаб шохлари-ю барглари яшнаб ривожланмоғи учун дарахтнинг илдизлари бақувват, мустаҳкам бўлмоғи керак. Республикамизда президентлик бошқарувининг амал қила бошлаганлиги, табиийки жойларда ана шундай, ҳозиргидек ҳокимлик тизими жорий қилинишини тақозо этди. Мустақиллик сари очилган йўл, ҳаётимизга бозор иқтисодиёти муносабатларининг кириб келиши ҳар қандай даражадаги бошқарув бўғинида ҳақиқий ишчанлик, ҳозиржавоблик бўлишини талаб қилди. Масалан, биз илгари район турмушига оид бирон-бир масалани ҳал қилмоқчи бўлсак, уни албатта бюрода, ижрокомда, ҳатто баъзан кенгаш сессиясида муҳокама қилишимиз талаб этиларди. Фақат шундан кейингина маълум қарор қабул қилиниб, амалий ишга киришардик. Бозор шароитида эса ишни бу тариқа пайсалга солиб ўтириш ярамайди, чунки вақт кутиб турмайди. Зарур пайтда ҳоким ишнинг бутун масъулиятини ўз зиммасига ола билиши ва керакли қарорни қабул қилиши лозим. Бу ўз навбатида ҳоким ҳамда унинг муовинларидан жуда катта масъулиятни, билимдонликни, ишбилармонликни ва яна қатор фазилатларни талаб қилади. Жойларда ана шундай юксак даражада ташкил этиладиган ҳокимлик бўғинлари юқорида айтганимдек, чин маънода бақувват бир дарахтнинг мустаҳкам илдизи бўла олиши керак.

— Ҳозир ҳокимият тузилишининг энг мақбул шаклини топиш йўллари ўрганиляпти. Сизнингча, район ҳокимияти идораси албатта аввалги пайтлардагидек юқоридан «туширилган» тавсияномалар асосида барпо қилиниши керакми ёки уни ҳар бир шаҳар ва районнинг ўз шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида тарзда тузса ҳам бўладими?

— Ҳозир бошқарувда даврдан ортда қолиб кетаётган жуда кўплаб эски одатлар, иш юритиш усулларидан дадиллик билан воз кечмоқ лозим. Бунга ҳар ким ўзида журъат, шижоат топа билиши керак. Ҳокимларга ҳамма масалада тўла-тўкис ва ҳақиқий ишонч бўлиши керак. Ҳокимият тузилишининг шакллари ҳақидаги тавсияномаларни таклиф қилиб, ҳадеб жойларда унинг қандай кўринишда ёки қай даражада қабул қилинаётганини назорат қилавериш мақсадга мувофиқ эмас. Бизнингча, район ҳокимияти идорасининг сарф-харажатлари учун лозим бўлган маблағ миқдори кўрсатилса, шунинг ўзи кифоя. Қандай ва қанча бошқарма, бўлимлар, ходимлар зарурлигини ҳар ким ўз жойида мустақил ҳал қилиши мумкин. Биз ўзимиздаги мавжуд шарт-шароитларни — районимиз икки миллион кишилик азим шаҳарнинг шундай биқинида, икки давлат чегарасида жойлашганлигини эътиборга олиб, ҳуқуқ-тартибот, қонунчилик ва савдо масалаларида мутасаддилик қилишни шахсан ҳоким зиммасига юкладик.

— Сиз райком котиби, кенгаш раиси бўлдингиз ва ниҳоят, ҳоким лавозимида ишлаяпсиз. Сир эмаски, республикамиздаги бугунги ҳокимларнинг аксарияти шу босқичлардан ўтган кишилар. Демак, уларнинг иш юритиш услубларида ҳам ўзгариш ясаш лозим бўлади, шундай эмасми?

— Гапингизни тушундим. Дарҳақиқат, баъзи жойларда айрим раҳбарларнинг ҳали ҳам ўша амалда ўзини оқламаган «иш усули ва услублари»дан воз кечмаётгани ёки воз кечишни ҳоҳламаётганликлари тўғрисида эшитиб турибмиз. Камина райком котиби бўлиб бор-йўғи икки-уч ой ишладим. Кенгаш раиси ва ҳоким бўлиб ишлар эканман, бир районда фуқаро, халқ билан ишлаш борасида ўзимизга хос «усул»ларни жорий этдик. Таъбир жоиз бўлса, бизда халқ ҳукматни излаб келмайди, балки ҳукумат ўзи халқ ҳузурига боряпти. Мана бир неча ойдирки, район ҳокими барча раҳбарлар билан биргаликда ойнинг маълум кунларида муайян қишлоққа, корхона, хўжалик ва ташкилотларга ташриф буюради. Бу расмий визит эмас, кундалик амалий иш тажрибаси. Яқинда ана шундай йиғилишлардан бири Гулистон қишлоқ кенгашида бўлиб ўтди. Жамоа хўжаликлари, мактаблар, шифохоналар, бошқа айрим ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари ёки масъул вакиллари халқ ноиблари билан қишлоқ аҳолиси турмушидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди. Бир участкада водопровод бузилиб қолганлиги сабабли у ердаги хонадонларни вақтинчалик ичимлик суви билан таъминлаш чорасини қидирдик. Мактабларнинг навбатдаги таъмирида жамоа хўжаликлари ва қишлоқ Кенгашининг вазифалари белгиланди. Ғиштқўприк маҳалла қўмитаси раиси муовини М. Маҳмудов кейинги кунларда аҳолини нон билан таъминлашда узилишлар бўлаётгани ҳақида гапириб қолди. Йиғилишда район ва қишлоқ матлубот жамиятлари раислари М. Қўчқорова ва Ҳ. Содиқов ҳамда район нон комбинати директори Х. Азимоваларга маҳаллалардаги мавжуд новвойхонада шу куннинг ўзидаёқ зарур миқдорда нон ёпилишини ташкил этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Қишлоқ шифохонаси бош врачи Ш. Саидкаримова ҳомиладор, камқонли аёллар ҳозир ажратилаётган озиқ-овқат талони учун қўпинча маҳсулотлар эмас, балки унинг ўрнига пул олишаётганини айтиб, ана шу аёлларнинг хоҳишига қараб, уларни зарур маҳсулотлар билан таъминлаш масаласини кўтарди. Биз район шароитидан келиб чиқиб, яъни ўзимизда паррандачилик фабрикаси, мева, сабзавотчилик хўжаликлари ишлаб турганлигини ҳисобга олиб, эндиликда ана шу талонлар учун парҳез парранда гўшти, тухум, мева-чева, сабзавот маҳсулотлари ажратиш учун имконият топишга келишиб олдик. Мазкур топшириқларнинг бажарилиши қатъий назорат қилиб бориляпти, албатта.

— Шу ўринда яна бир савол: ҳокимият қиёфасининг қандай бўлишини кўп жиҳатдан ҳоким белгиларди ва ўз навбатида, ҳокимнинг ишлари, режа ва ниятлари изчил, тўла амалга ошиши ҳокимиятга, у ерда қандай ходимлар ишлаётганига ҳам боғлиқ. Бироқ кўпинча шундай ҳам бўладики, айрим раҳбарлар атрофига ўзидан анча заифроқ, чизган чизиғидан чиқмай ҳамиша «лаббай» деб турадиган одамларни тўплайди. Бирон жиҳати билан ўзидан тажрибалироқ, кучлироқ кадрларга эса рўйхуш бермайди. Уларни ҳатто яқинига йўлатмасликка ҳаракат қиладн. Шу тўғрида нима дейсиз? Ва умуман ҳозирги район ҳокимияти, аппарати иши ҳақида қисқача тўхталсангиз...

— Биласизми, ука, кўп йиллик раҳбарлик тажрибамдан келиб чиқиб, шуни очиқ айтишим керакки, илгари ва ҳатто ҳозир ҳам кўп жойларда ҳар томонлама кучли, дадил, журъатли ходимларнинг бемалол ишлаши осон бўлмаган, улар ҳар хил тўсиқларга, тазйиқларга учраб келган. Бундай одамлар нохолис раҳбарлар, уларга муте жамоаларнинг ўз билганларича иш юритиши, турлича нопок ниятларни амалга оширишларига тўсқинлик қилиб, қаршилик кўрсатишгани учун ҳам ана шундай муомалага «сазовор» бўлишади. Яна бир сабаби шуки, кўпинча бундай шижоатли, ўзига ишонган кишилар негадир оз-моз кўрсроқ, асабийроқ, тажангроқ бўладилар. Ана шунинг учун улар аксарият ҳолларда ҳаммага бирдай ёндошишмайди. Демак, демократик негизда бўладиган сайлов ёки бирор лавозимга тайинлаш чоғида уларнинг имкониятлари ўз-ўзидан камайиб қолади. Шу сабабли камина ҳар доим ўзимга ўринбосар, ёрдамчи, ҳамкасблар танлаганимда иложи борича билимли, ишбилармон, довюрак, тўғри келганда ҳатто қайсидир жиҳатлари билан ўзимдан ҳам кучлироқ, мени ижобий маънода тўлдириб турадиган одамларни қидириб топишга ҳаракат қиламан. Чунки биз бугун экиб кетадиган ниҳолларни ана шу ёрдамчилар, шогирдларимиз эртага кўкартиришлари, гуркиратиб ўстиришлари кимнинг мададкорлари деса ҳам янглишмайман.

— Ўзингиз Халқ демократик партияси аъзосисиз. Бу кундалик иш жараёнида бошқа партия ёки ҳаракатлар аъзолари билан мулоқотда бўлишингизга қандай таъсир кўрсатади?

— Халқимизда «Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил» деган мақол бор. Шахсан мен уларга ана шундай муносабатда бўламан. Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан, дейдилар. Районимизда бошқа партия ва ҳаракатларнинг аъзолари анчагина. Уларнинг жамият манфаатлари йўлидаги фаолиятлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб беряпмиз. Тўғри, баъзи масалаларга қарашларимиз ўзгача, иш услубларимизда фарқлар бор. Лекин ҳаммамизнинг ҳам мақсадимиз — халққа хизмат қилиш. Ана шу эзгу ният бизни ўзаро келишиб, маслаҳатлашиб ишлашга даъват этади.

— Рустам ака, республика Президенти Фармонлари районингизда астойдил бажарилаётганидан хабардормиз. Лекин район тобора кенгайиб бораётган пойтахтга девор-дарманён қўшни эканлиги сабабли ер майдонлари масаласида зиддиятлар пайдо бўлмаяптими? Ҳар ҳолда районда ҳам аҳоли сони ортиб бормоқда. Демак, янги уй-жой қуришга бўлган эҳтиёж ҳам шунга яраша кўпаяверади-да...

— Томорқа, уй-жой қуриш учун ер сўраб мурожаат қилаётганлар кўп. Бироқ баъзи одамларга ер ажратиш масаласига ғоят жиддий қараймиз. Ариза берган киши ҳар томонлама ўрганиб чиқилади. Яъни томорқа учун ер сўраётган одам ана шу ерда деҳқончилик қиладими, ишлашга лаёқати борми, олган майдонидан ўзи, оиласи учун унумли фойдалана биладими ёки ернинг умрини бекор ўтказадими, мана шуларни билиш катта аҳамиятга эга. Чунки бу масалада кўп марта оғзимиз куйган. Умуман иморат солиш учун ер сўраб мурожаат қилган кишиларнинг талаблари деярли қондирилган. Кейинги икки йил ичида 9598 оилага томорқа ва уй-жой шароитини яхшилаш учун ер майдонлари ажратилди. Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳаларида меҳнат қилаётган кишиларга биринчилар қаторида ёрдам берилди. Яъни уй-жой қуриш табиийки, узлуксиз жараён. Шунинг учун бундан кейин ҳам яхши ният билан ўзига, фарзандларига уй қуришни дилига туккан кишиларнинг илтимосларини ўз вақтида қондириб бораверамиз.

— Айбга буюрмайсиз, суҳбатимиз пировардида нозикроқ бир савол берсам: мабодо район ҳокими умумхалқ сайлови асосида сайланадиган бўлиб қолса, етарли овоз олишингизга ишонасизми?

— Албатта, камида тўқсон фоиз овоз олардим. (Шундай деб Рустам Раҳбарович столи ғаладонидан бир даста қоғозларни олиб, олдимга қўйди). Худди сизга ўхшаган бир мухбир ҳам сал илгарироқ ана шундай савол берганди. Мен унга депутатликка 98 фоиз овоз олиб сайланганимни айтдим ва ҳокимлик сайловида ҳам албатта ғолиб чиқсам керак дедим. Кейин у билан бирга шу борада ўзига хос бир тадқиқот ўтказдик: ярим соатлардан кейин қандайдир мажлис бошланадиган эди. Иштирокчилар ўртасидаги холис одамлар томонидан аниқ исми-шарифи кўрсатилмаган ҳолда анкета сўрови ўтказилди. Натижа эса менинг кутганимдан ҳам юқоригоқ чиқибди. Мухбир мана шу қоғозларни эсдалик учун қолдириб кетувди, ўзингиз кўриб чиқа қолинг...

● Турли рангдаги сиёҳларда битилган ушбу қоғоз парчаларида асосан маълум бир сон ва фоиз кўрсаткичи ифодаланган. Айримларда эса дастхат муаллифлари дил изҳорини, янги ҳокимга тилак ва ниятларини, ҳатто районда айни шу пайтгача биринчи галда қайси ишларни бажариш лозимлигини ҳам ёзиб қолдиришган. Уларни кўздан кечирар эканман, шу районда истиқомат қилаётган кишиларнинг раҳбарга ёлчиганларини ўйлаб, уларга ҳавасим келди. Ҳоким халққа, халқ ҳокимга ишонса қандай яхши.

• ХДП: одамлар орасида

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

ХДП Наманган вилоят кенгашининг биринчи котиби Б. Аҳадов бошчилигида барча район кенгашларининг биринчи котиблари Косонсой районига йўл олишди. Мен йўл-йўлакай Баҳодир акадан ушбу ташрифдан кўзда тутилган мақсад ҳақида сўрадим.

— Ҳозирги қийин шароитда биз омма қалбига йўл топишга, шу мақсадда янги иш усул ва услубларини ахтариб топишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди Б. Аҳадов. — Косонсойга боришимизнинг боиси ҳам район кенгаши фаолияти билан яқиндан танишиш, бошланғич партия ташкилотларида бўлиб, у ерларда олиб борилаётган ишлар, тажриба ва камчиликлар ҳақида ўша ернинг ўзида фикр алмашишдан иборатдир. Шу боис бу таклифимизни семинар-кенгаш десак ҳам бўлади. Агар бугунги ташрифимиз Косонсой район кенгаши ва бошланғич партия ташкилотларининг обрў-эътиборини ошириш, фаолиятини сезиларли даражада жонлантиришга таъсир ўтказса, кўзланган мақсадга эришган бўламиз. Кейинчалик бошқа районларда ҳам мана шундай семинар-кенгашлар ўтказиш ниятидамиз.

Биринчи котиблар тўғри Косонсой районидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотига келишди. Бошланғич ташкилот жойлашган хоналар саранжом-сариштa. Бу ерда бирорта ортиқча шиор, чақириқлар йўқ. Бошланғич партия ташкилотларининг тузилиши, ХДП Дастури ва Низоми асосида тузилган иш режаси кўринарли жойга илиб қўйилган. Унинг қаршисидаги хона эшиги пештоқига ХДП аъзоси бўлган халқ депутатларининг қабулхонаси деб ёзиб қўйилибди. Бу ерда ҳафтада бир марта халқ ноиблари ўз сайловчиларини қабул қиларкан.

— А. Навоий номидаги жамоа хўжалигимиз 1990 йилда таваллуд топган, — дейди бошланғич партия ташкилоти котиби К. Шарифхонов — Ўша пайтда 66 нафар партия аъзоси бор эди. Ҳозир эса сафимиз анча кенгайиб, аъзолар сони 104 нафарга етди. Партия аъзолари турли соҳаларда меҳнат қиладилар. Айни пайтда цех партия ташкилотимиз фаолиятини яшаш жойларига кўчиряпмиз. Ҳозир ҳаммаси бўлиб 8 та цех партия ташкилотимиз бор. Жумладан Жийда маҳалла, Ровот каби қишлоқларда тўртта ҳудудий партия ташкилотлари фаолият кўрсатяпти.

А. Навоий номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти қисқа вақт ичида шакллаиб, мустаҳкам оёққа туриб олган. Айни пайтда эса райондаги энг фаол партия ташкилотларидан бири ҳисобланади. Бошланғич партия ташкилоти жамоа хўжалигида пилла етиштиришни ўз оталиғига олганди. Партия аъзоларининг уюшқоқлиги, аҳиллиги туфайли пилладан юқори ҳосил олинди.

Бошланғич партия ташкилоти кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Кейинги уч ой давомида партия сафига 23 нафар, кишининг қабул қилингани ҳам бунинг далилидир. Шу билан бирга партия ташкилоти, унинг фаоллари нуфузи, омма орасидаги обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда. Бунга бошланғич ва цех партия ташкилоти котиблари ва фаолларининг диндорлар ҳамда бошқа партия, ҳаракат вакиллари билан ўзаро алоқа, муносабатлари яхши йўлга қўйилгани муҳим омил бўлаётир.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Навоий номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти фаолияти билан танишиб катта таассурот олдилар. Айрим ХДП район кенгашлари котиблари бу ерга бошланғич ташкилот котибларини юборишга, тажриба — иш ўрганиш мақсадини келишиб олдилар. Пировардида ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Б. Аҳадов партияга янги қабул қилинган бир гуруҳ одамларга вақтинчалик партия аъзолиги гувоҳномасини топширди.

Шундан сўнг семинар-кенгаш қатнашчилари райондаги бошқа партия ташкилотлари фаолияти билан ҳам танишдилар. Уларда айниқса ХДП район кенгаши ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш борасида олиб бораётган ишлар катта қизиқиш уйғотди. Жумладан район кенгаши ёрдамчи хўжалигида 100 бош қўй боқилмоқда. 3 гектар ерда эса деҳқончилик ишлари авж олиб кетган. Шу каби амалий ишларни янада кенгайтириш борасида кўзланган тадбирларни район кенгаши биринчи котиби Исоқжон Исроилов бир пиёла чой устида семинар-кенгаш қатнашчиларига гапириб берди.

Семинар-кенгаш нафақат Косонсой район партия ташкилотлари, балки унинг иштирокчилари учун ҳам фойдали бўлди. Зеро халқимизда кенгашганга кенг дунё деган нақл бежиз айтилмаган. Бир мақсад йўлидаги ҳажмиҳатлик, ҳамкорлик албатта вилоят партия ташкилотлари фаолиятини жонлантиришда муҳим роль ўйнайди.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Инсон ва табиат

БУ АЖОЙИБ ОҲУЛАР...

● Бухородан чиқишингиз билан саҳро бошланади. Бепоён, кафтдек текис, жазирама саҳро, барханларнинг шитирлаши базўр эшитилади. Агар шу шитирлашга диққат билан қулоқ солсангиз, унга қўнғироқларнинг майин жиринглаши қўшилиб кетади. Уфқ ортида, қаердадир туялар карвони ўтиб бормоқда... Аслида бундай эмас, бу фақат сароб, холос. Ҳозир саҳродаги кўп сўқмоқларда фақат тракторларни ва оғир «КаМАЗ» машиналарини кўриш мумкин. Инсон бунёдкорликка интилиб, асрлар давомида ҳукм сурган уйғунликни бузганини сезмай қолди. Бу уйғунликни бузди-ю келажаги ҳақида ўйланиб қолди...

Жайрон ҳар томонга қўрқув билан назар ташлаб, худди кино экранидаги қуш каби учиб бормоқда. Бу ерда, Шарқда уни оҳу деб аташади. Ҳушандомлиги ва кўзларининг жозибадорлиги учун уни энг хушрўй аёлларга қиёс қилганлар, шоирлар оҳулар ҳақида шеърлар тўқиганлар. Бироқ, биз ҳозир ашъор ҳақида эмас, балки энг оддий ишлар — Ўрта Осиё минтақасидаги ягона Бухоро кийик қўриқхонаси ҳақида сўз юритмоқчимиз.

— Билсангиз, кўп йиллик умримни шу ишга сарфладим. Аммо бу ноёб жониворларнинг ҳаётини кузатар эканман, гўё ҳар куни янги-янги жиҳатларини кашф этаман, — дейди қўриқхона илмий ходимаси Наталья Васильевна Солдатова. — Мана, энди улар ҳам қизил дафтарга ёзилди.

Қўриқхона 15 йил муқаддам Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига биноан ташкил этилган эди. Ўшанда унинг ходимлари зўр-базўр 40 та жайрон топишди. Ҳозир уларнинг сони таҳминан бир ярим мингтага етди. Умуман, қўриқхонага илк бор келган киши бу ердаги ҳайвонот олами ининг хилма-хиллигини кўриб, ҳайратга тушади. Уларнинг ҳаммаси қизил дафтарга ёзилган. Бемалол ўтлаб юрган Пржевальск отларининг чоғроқ уюри одамдан ҳуркмайди. Сал нарида кавш қайтараётган қулонларни, сайғоқларни учратиш мумкин, оҳулар тўрисида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Қушлар орасида какликлар, чўл тувалоқлари бор. Бу жониворларнинг ҳаммасини фидойилар, очиғини айтганда, оғир шароитда яшаётган одамлар боқадилар, ардоқлайдилар. Чунки Қизилқум ҳеч қачон серўт яйлов бўлган эмас. Айниқса, газ конларини ўзлаштириш бошланган кезларда бу минтақада яшайдиган ҳайвонлар деярли бутунлай қириб ташланди, деб таъкидлайди қўриқхона директори Ҳолиқ Ваҳобович Салимов. Шу сабабли қўриқхона каби экология марказининг барпо этилиши саҳрода жон бераётган кишига бир қултум сув тутиш билан баробар.

Қизилқум бепоён, лекин мавжуд қўриқхона бир ярим минг бош кийикни тўйдира олмайди. Табиатнинг нозиклигини қарангки, урғочи кийик эркагига нисбатан тўрт баравар кўп бўлиши керак. Ҳозир эса уларнинг сони деярли тенглашиб қолди, Олимлар камида 100 та нар кийикни ов қилишни тавсия этмоқдалар. Лекин бунга кимнинг қўли боради!.. Бошқа йўли топилди. Жайронлар ушланиб, бошқа минтақаларга жўнатилмоқда, ҳайвонот боғларига сотилмоқда. Юлдузлар чарақлаб турган жануб осмонини, тунги сукунатни тасаввур қилинг. Тез елиб бораётган автомобиль чироқлари зулматни ёритади. Унинг олдида жайрон соатига 50 километр тезликда югуриб бормоқда. Унинг оёқлари ерга тегмаётгандек. Аммо ҳайвон — машина эмас, чарчаб қолади, ана ўшанда, унга етишга 2-3 метр қолганда, машинадан тўр ташланади. Жайрон тўрга ўралашиб қолади. Унинг оёқларини боғлаб, махсус майдончага келтирадилар. Эртасига эса бошқа жойга жўнатилади.

Эркак кийикларни камайтиришнинг яна бир усули бор. Тўғри, бу усул у қадар олижаноб эмас. Ҳаётнинг ўзи қўриқхонани сақлаб туриш учун маблағ, аниқроғи, валюта ишлаб топишга мажбур қилмоқда. Бу усул — ажнабийлар учун тайғонлар ёрдамида махсус ов ташкил этишдир. Бунинг учун итларнинг алоҳида қадимий зоти боқилади. Айтишларича, Миср фиръавнлари шундай тайғонлар билан ов қилган эканлар. Ҳукмдорлар мақбараларида шундай итлар тасвирлангани тасодифий эмас. Ўрта Осиё хонлари эса қоплонлар билан ов қилишни афзал кўрганлар.

— Биз ҳам анъаналарни тиклашга ҳаракат қиляпмиз, тўғриси, одамларни ҳайратга солиш учун шундай қиляпмиз, — дейди Наталья Васильевна Солдатова, ажойиб қоплон — Никани оҳиста силар экан. — Дунёда ҳеч бир ҳайвон қоплондек тез югура олмайди. Соатига 100 километр — бу ҳазилакам гап эмас, тўғри, қисқа масофагагина шундай чопа олади. Ҳозир қоплон Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг қизил дафтарига ёзилган. Жайронлар одамга кўникиб қолган бўлса ҳам, кийиклар подаси ёнига қоплонни қўйиб юбориб балки яхши иш қилинаётгандир. Бинобарин, қоплон ҳам валюта «ишламоқда».

Саҳрони тандир каби қиздираётган қуёш Ғарбга оға бошлади. Олис уфқда қадимий Бухоро миноралари кўзга ташланди. Шу экология воҳасидаги қўтонлар томонга қарайман. Тўсатдан кимдир чўчитиб юборган оҳулар тўдаси тез ўтиб кетди. Афсус, жуда узоқдан ўтди, эзгулик ва инсонга ишонч рамзи бўлган бу мафтункор кўзларни — ажойиб шарқона кўзларни кўра олмадим.

М. БАБИНЦЕВ,
«Сельская жизнь» мухбири.

Бухоро—Тошкент

(«Сельская жизнь»нинг 1992 йил 19 июнь сонидан).

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленуми судловни такомиллаштириш ҳамда мустақил демократик давлатнинг қонун асосларини мустаҳкамлаш ва рўёбга чиқаришда судларнинг ролини оширишга таллуқли долзарб масалларни кўриб чиқди.

Мажлисни Олий суд раиси У. К. Мингбоев бошқарди.

Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, судларнинг фуқаролар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларни қўлланиш тажрибаси муҳокама қилинди. Бу қонун қасдини олиш, шахсий турмушга аралашиш, бирор кишини эл олдида ҳақорат қилиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишни тақиқлайди. Муҳокамада иштирок этганлар бундай судловнинг муҳимлигини таъкидлаб, айни вақтда республика судларида шу тоифадаги ишларга юзаки ёндашиш, янги қонунни хато қўлланиш ҳоллари тез-тез кўзга ташланаётганлигини айтиб ўтдилар. Бундай ишлар кўпинча қайта-қайта кечиктирилмоқда ёки асоссиз равишда тўхтатиб қўйилмоқда, аризаларнинг анчагина қисми умуман кўриб чиқилмаяпти.

Пленум қонунни тўғри қўлланиш фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган ҳуқуқларини амалга оширишга ёрдам беришига асосланиб, судларда фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишларга пухта ёндашиш зарурлигига эътиборни жалб этди.

Милиция ходимлари ва ўзга шахслар жиноятчиликка қарши кураш ҳамда жамоат тартибини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўриқлашга доир вазифаларни бажараётганларида уларнинг ҳаётига, саломатлиги ва қадр-қимматига тажовуз қилганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунни судда қўлланиш тажрибаси кўриб чиқилди.

Судлар шу тоифадаги ишларни асосан тўғри ҳал қилаётганлиги таъкидланди. Бироқ уларнинг бу соҳадаги ишида хатолар ва нуқсонлар йўқ эмас. Айрим судлар бундай жиноятларнинг жамият учун хавфлилигини тушуниб етмаётирлар, баъзан қонун чиқарувчи олий орган — Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши амалдаги жиноий ва маъмурий қонунларга сўнгги вақтда киритган ўзгартишлар ва қўшимчалар баъзан эътиборга олинмаяпти.

Пленум мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқиш чоғида қонунларни қўлланишдаги суд тажрибаси милиция ходимлари, ўзга шахслар жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлашга доир вазифаларни бажараётганларида уларнинг ҳуқуқий ҳимояланишига ҳар томонлама кўмаклашиши, барча фуқароларни қонунларга оғишмай риоя этиш, жиноят кўринишлари ва ҳуқуқбузарликка муросасиз бўлиш руҳида тарбиялаши лозимлиги таъкидланди.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси прокурори Б. М. Мустафоев раислигида маъмурий органлар ходимларининг мувофиқлаштирувчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фуқароларнинг шахсий мулкини ўғирлаш, умуман, жиноятчиликка қарши курашда ва жиноят содир қилган шахсларни оқловчи асосларсиз жиноий жавобгарликдан озод қилишда ички ишлар органлари тергов бўлинмалари амалиётида қонун талаблари қандай бажарилаётганлиги, шунингдек жиноий ишларни қўшимча терговга қайтариш сабаблари, балоғатга етмаганларга нисбатан жиноий жазо ҳамда тарбиявий чораларни қўллаш амалиёти ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилиш қатнашчилари республикамизда жиноятчилик, хонадонлардан молмулк ва машиналарни ўғирлаб кетиш ҳоллари камайиб бораётганлигини таъкидладилар. Текширувлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим маъмурий органлар жиноий ишларни кўриб чиқишни сабабсиз чўзиб юбормоқдалар, жиноят содир қилинганлик ҳақидаги ариза ва шикоятларни тезлик билан рўйхатдан ўтказиш ва чора кўриш ишларини пайсалга солмоқдалар. Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро ва Наманган вилоятларида бундай жиноятларни ҳатто рўйхатдан тушириб қолдириш ҳоллари ҳам юз бераётир.

Сўзга чиққанлар балоғатга етмаган ёшлар ўртасида содир этилган жиноятларни тергов қилиш ва улар устидан прокурор назоратини кучайтириш лозимлигини айтдилар.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шарофнома

Шароф РАШИДОВ... У халқ қалбида ўзига хос ўчмас ҳайкал қолдирди, тиригидаёқ бутун Шарқнинг ифтихор билан тилга оладиган фарзандига айланди.

Бизнинг асримизда Шароф Рашидов номи ўзбек халқининг рамзи бўлиб жаҳонда янгради. Жаҳон уни атоқли адиб, йирик давлат ва жамоат арбоби сифатида биларди ва тиригидаёқ тан олган эди.

(Атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш хусусида «Очиқ хат»дан).

БЕҒУБОР ҚАЛБ СОҲИБИ

Шароф Рашидов ҳақиқатан ҳам ёшларнинг меҳрибон устози ва мураббийси эди. У ёшларнинг келажагига катта эътибор берар эди. Шунинг учун ҳам Шароф Рашидовни тез-тез ёшлар орасида кўриш мумкин бўлган.

1.

БОЛАЛИКНИНГ беғубор дамлари. Атрофда юз бераётган ҳар бир воқеа, ҳар бир янгилик кишини ўзига тортади, бефарқ бўлишга қўймайди. Ушандай дамларда қўлимга «Бўрондан кучли» романи тушиб қолганди. Ўқиб жуда таъсирланганман. Ҳатто асар қаҳрамонларидан бирини ўлдириб қўйманг, деб китоб ёзган кишига мактуб йўллаганим ёдимда. Ушанда у кишига нисбатан меҳр учқунлари пайдо бўлганди, ҳурматим ошганди. Буни қарангки, тақдир бизни учраштирди, яқиндан таништирди.

1972 йилнинг март ойида мен вилоят Кенгаши ижроия комитети раисининг муовини бўлиб ишлардим. Тошкентда қишлоқ турмуш маданиятини оширишга бағишланган йиғилишга тўпланадиган бўлдик. Ҳамма ўз дарди билан борган. Эшикдан кираверишда мени бир киши излаётганини айтишди. Ҳаял ўтмай Марказкўмнинг фан ва олий ўқув юртлари бўлимининг мудири, таниқли олим Музаффар Хайруллаев келди. У киши мени Марказий Комитетга бошлади. Олтинчи қаватга кўтарилаяпману, кўнглимдан турли ўй-хаёллар кечади. Нега суриштиришаяпти экан? Бирор топшириқ борми ёки ишимизда бирор камчилик сезилдими? Хаёллар бир-бирига изн бермайди.

Кенг, ёруғ хонага кирдиму кўнглимда аллақандай таскин сездим. Уткир нигоҳли, хушсурат Шароф Рашидович қошларини чимириб қарши олди. У кишининг ёнида Марказий Комитет котиби О. Салимов ўтирарди.

— Болалар соғми, — деди бирдан Ш. Р. Рашидов ҳол-аҳвол сўрашни ҳам калта қилиб.

— Яхши, раҳмат.

— Келин саломатми? СамПИда ишлаяптими?

Ажабо, турмуш ўртоғимнинг олийгоҳда ишлашини қаёқдан билар экан, деб ҳайрон қолдим ва дарҳол жавоб бердим:

— Ҳа.

— Сизни 4-бошқармага бошлиқ қилиб тайинламоқчимиз. Розимисиз?

Дабдурустдан айтилган бу гап, очиғи мени шошириб қўйди. Нима дейишимни ҳам билолмай бироз жим қолдим. «Ҳа» дейишга ҳам, «Йўқ» дейишга ҳам ўзимда куч сезмасдим. Хаёлим тамомила бошқа нарсалар билан банд эди. Уйлаб ўтиришга ҳам вақт йўқ. Нигоҳлар нигоҳларга қадалиб менинг жавобим кутиларди.

— Бир ўйлаб кўрсам, — дедим ниҳоят ўзимни босиб.

— Ўйлаб кўраман? Нимани ўйлаб кўрасиз? Йўқ, бу сизга топшириқ.

— Шароф Рашидович, ҳеч бўлмаса Самарқандга бориб келай, маслаҳат дегандек...

Гапим ичимда қолди.

—Самарқандда нима қиласиз? Ахир сиз мустақил одамсиз-ку! Хуллас, шу бугуноқ ишга киришинг.

Айтган гапларимдан ўзим хижолат чекдим. Қандай ҳолатда борган бўлсам, шу ҳолда ишга киришдим...

Шароф ака мени шахсий врач сифатида сафарларда доимо бирга олиб юрардилар. Шундай сафарлардан бири Қаршига бўлди. Шароф акада юрак хасталиги борлиги сабабли Қаршига поезд билан боришга тўғри келди. Мен шу гал Тошкентда қолдим. Бироқ эртасигаёқ Қаршидан қўнғироқ бўлди. Тезда етиб бордим. Бироз тоблари бўлмабди. Дори-дармон қилиб зарур ёрдам кўрсатдим. Дам олиш кераклигини айтдим. Бироқ Шароф Рашидович сира унамади. «Ишлар бир-биридан қалашиб турганида ётиб олишга бало борми» дедилар-да, Талимаржон сув омбори қурилишини бошлаб беришга шошилдилар.

Шу ерда мен у кишининг ғайратига, иродаси ва халқ иши учун жонини жаборга беришга ҳам тайёр эканлигини яна бир бор кўрдим, ҳис этдим. У бошқаларни ҳам доимо ана шундай бўлишга ундарди.

«Оқ олтинни олтин қўллар яратади» деган шиор пайдо бўлган йилларни бир эсланг. Брежнев оғзидан чиққан бу гап республикамизнинг шиорига айланди. Уни ҳамма жойда: вокзалда, аэропортда, стадионда, шифохонада... кўриш мумкин эди. Ҳар ҳолда пахтакорларимиз қадри шундай баҳоланганди. Лекин ўшанда Марказга олтин қўллар эмас, оқ олтинимиз кераклигини, шу мақтов хом ашёмиз оқими ғилдиракларини янада жадаллаштирганлигини ким билмайди, дейсиз. Ёки Брежнев Тошкентга келганда «5,5 миллион тонна нима бўпти, 6 миллион тонна қилиш керак» деганида-чи? Оғизнинг бир бурчагидан чиққан бу рақамлар Ўзбекистон елкасига яна бир тегирмон тоши бўлиб тушганини бир эсланг. Буларнинг барисини Шароф Рашидов яхши идрок қилар, негадир ўшанда ўзини ниҳоятда ёлғиз сезар, дамини ичига ютар эди.

Шу гаплардан уч кун ўтгач, мен Рашидовдан: «Шароф ака, олти миллион тонна бўлса аҳвол нима кечади?» деб сўраб қолдим. У киши ўйчан, ҳорғин бир ҳолатда шундай дедилар:

— Нима бўларди. Боғларимиз йўқ бўлади. Оролга сув бориши камаяди. Боз устига ҳосилдорликни ошириш имконияти тобора чекланаяпти. Химикатларни кўп солиб юборганмиз...

— Ундай бўлса уларга тушунтириш керак-да.

— Уларга буни тушунтириш қийин. Одамларга оғир бўлса ҳам яна бир ҳаракат қиламиз.

2.

Яна бир суҳбатда Рашидов «6 миллион тонна пахта, қанчадан-қанча мева-сабзавот-беришимиз керак, бир граммини ҳам камайтиришга қўймайди» деб қолди. Шу суҳбатда унинг олтин, қоракўл тери ва бошқа ноёб мол-маҳсулотлар четга сув текинга чиқариб юборилаётганидан ниҳоятда ташвишдалиги маълум бўлди.

Хўш, нега унинг олди олинмади, журъат етишмадими ёки атайлаб сажда қилишдими, деган савол туғилиши табиий.

Тўғри, буларнинг олдини олиш учун Рашидовда ҳам, бошқаларда ҳам журъат етарли эди. Лекин давр, муҳит ҳаммани бир жойга михлаб, ихтиёрини қўлдан тортиб олиб қўйганди. Яъни кўп нарсалар Марказнинг ҳоҳишига, кўрсатмасига боғлиқ эди. Иқтисодий ва сиёсий мустақиллик фақат оғизда бўлиб келди. Шунинг учун ҳам Рашидовга баҳо берганимизда ҳозирги кунга қараб эмас, ўша давр нуқтаи назаридан ёндашмоқ керак.

Шароф Рашидов ўз ишига пухта, қаттиққўл ва ўта талабчан киши эди. Шахсий врачи бўлганлигим учун ҳар доим у киши билан бирга юришга тўғри келарди. Шу боис кўпгина таҳлил ва йиғинларда бирга бўлардим. Йиғинларни ниҳоятда қаттиққўллик билан олиб борарди. Партия ва халққа қаттиқ ишонарди ва таянарди. Қойинган кишисига «Партия сизга нима қилди, нега одамларни қийнайсиз?» дерди.

Ҳар йили вилоятларни деярли икки бор айланиб чиқарди. Учрашув ва суҳбатларда одамлар дилига яқин бўлишга интиларди, уларга далда берарди, руҳлантирарди. Янги қурилишларга, хайрли ишлар ва тадбирларга оқ фотиҳа берарди.

Аммо раҳбарлар орасида Рашидовни ҳам алдайдиган, ёлғон маълумотлар берадиган, кўзбўямачилик қиладиганлар йўқ эмасди. Масалан, у киши келишини олдиндан билган айрим раҳбарлар йўл ёқасидаги пахтазорларни ҳафта-ўн кунлаб тердирмай қўйишар, Рашидов келиши билан машиналарни қўйиб юборишарди. Шу қаллоблик эвазига улар мақтовлар эшитишар, ҳатто кўкракларига орденлар тақишарди. Мана шу «чиройли сўзаналар» ортида хотинлар, болалар қаттиқ азоб чекишаётганлигини яширишарди. Лекин Рашидов баъзан буларни сезиб қоларди, шунда ич-ичидан эзиларди....

Шароф ака ижодга кўпроқ вақт ажратишни орзу қилиб яшади. Бироқ, мансаб, раҳбарлик бунга доимо ҳалал бериб келди, йўқ, у киши ижоддан, истеъдоддан маҳрум эмасди! Яхшигина китоблар ёзди. Халқнинг назарига тушди. Бу асарлар тўлақонли бўлмасада, ўша давр руҳини ифода этадиган ўзига хос ижод маҳсули эди. Мен шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчиман. «Рашидовчилик», «турғунлик йиллари» каби шиорлар пайдо бўлганидан кейин айрим кишилар Рашидов ижодига, унинг асарларига шубҳа билан қарай бошладилар. Фалон эмиш, писмадон эмиш, деган гаплар кўпайди. Йўқ, мен бу кишининг ёзган ишларини, ижод пайтини ўзим кўрганман. Кўпинча қўлёзмаларни машинкада ёзиш учун мендан бериб юборар эди. Бетоб бўлган пайтда ҳам мукка тушиб ижодий иш билан шуғулланиб ўтирганига шоҳидман. Бир куни дам олаётган пайтда ёнларига кирсам хотини Ҳурсанд Ғаффоровна:

— Китоб ёзаман, деб ўзларини ҳам, мени ҳам қийнаб юбордилар, — дея эридан нолий кетди. — Ахир, бу кишига ҳозир тинчлик керак. Айтсангиз-чи!

Мен бу ерда Шароф Рашидов фаолиятининг ўзим кўрган, шоҳиди бўлган айрим қирраларини ёдга олдим, холос. Халқ меҳрини, ишончни қозонган оқсоқолнинг сиёсий фаолияти, умуман босган ҳар бир қадами ҳақида жуда кўп ва хўп гапириш мумкин. Албатта, Рашидовнинг хатолари ҳам йўқ эмасди. «Номенклатура» гуллаб-яшнаган даврнинг ўзи бундай хисматлардан воз кечолмасди. Ҳаддан ташқари ишонувчанлик, кўнгли юмшоқлик у кишига кейинчалик кўп панд берди. Унга қўйилган айбларнинг ҳаммаси ана шунга келиб тақалишининг боиси ҳам шу. Бироқ эл иши учун жонини тиккан киши ҳеч қачон одамлар назаридан қолмайди. Халқ назари тушган кишининг номи эса абадул абад яшайди. Бугунга келиб ҳақ жойида қарор топаётганлиги, Шароф Рашидов номи билан боғлиқ ишларга холисона баҳо берилаётганлиги бунинг исботидир.

Субҳонқул ОРИПОВ,
тиббиёт фанлари доктори, Самарқанд тиббиёт олий билимгоҳининг профессори.

Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллиги олдидан

ЭЛИМИЗНИНГ АТОҚЛИ ФАРЗАНДИ

ҚАЙЧИЛАНГАН ЛЕНТАЛАРНИ ТИКЛАШ КЕРАК

БАДИИЙ адабиётда яратилган асарлар, даврлар силсиласи қайси йўсинда ўзгармасин, китобхоннинг уйида дахлсиз яшайверади. Аммо кутубхона ва жамоат жойларида ёзувчининг асари минг балога дучор бўлаверади. Одамлар қўлида сақланиб қолганлари эса келгусида уларнинг тикланишига ҳар қалай ёрдам беради. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир асарлари одамлар қўлида сақланиб қолганлиги туфайли бу китоблар яна рўшноликка чиқди.

Лекин, минг афсуслар бўлсинки, кино санъатида бундай дахлсизликка эриша олмадик. Яқинда Ўзбекистон киночилар уюшмасининг раиси Малик Қаюмов билан суҳбатлашар эканман, юрагини кўпдан бери изтиробга солиб келган дардни тўкиб солди.

— Ёзувчи ўз асарига бамисоли фарзандига қўйган меҳрдай қараб, уни авайлаб асрайди, — дейди устоз. — Бир саҳифасининг ҳам йиртилишига ёки топталишига асло тоқат қилолмайди. Аммо бундай ҳақ-ҳуқуқдан кино санъаткорлари мутлақо маҳрум. Чунки даврлар давомида бўладиган ўзгаришлар биринчи галда биз яратган ленталарни бешафқат қайчилаб ташлайди.

Ҳа, Малик аканинг дод деганича бор. Чунки, у яратган кинофильмлар ҳаммадан ҳам кўпроқ қайчининг остида қолди.

Кинотеатрларда бўладими, телеэкранларда кўрсатиладими, бундай ҳол Малик аканинг яратган фильмларидаги маҳоратга салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади.

Ушбу режиссёр яратган юзлаб тўлиқ ва қисқа метражли фильмлардан икки фильм тақдирини мисол келтирсак муштарийларнинг ўзлари маълум хулоса чиқаришлари мумкин.

1958 йилда яратилган «Ўзбекистонимизга келинг» фильмида Шароф Рашидов Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг Раиси сифатида акс эттирилган. Фильмда йирик давлат арбоби, ажойиб ёзувчининг турли хорижий мамлакатлар раҳбарлари билан учрашуви тасвирланган эди. Фильмнинг умри боқий экан, ҳозир ҳам экранларда ўзи ўрнини эгаллаб келмоқда, аммо юқоридаги эпизодлар кейинги йилларда қайчининг домига учради. Ҳозирги мустақилликка эришган вақтимизда бу фильмнинг сиёсий моҳиятини юксак қадрлаш мумкин. Фильм туб моҳият эътибори билан яхши ниятли мамлакат вакилларини Ўзбекистон билан самимий мулоқотга чорлайди. Давлат мукофотига сазовор бўлган иккинчи фильм «Мирзачўл» (1980 йил) деб аталади. Бу фильм чўлни ўзлаштираётган азамат меҳнаткашларимизнинг фидокорлигини тараннум этади. Юз қўшчига бир бошчи деганларидек, ана шу халқ ҳаракатининг туб негизида Шароф Рашидовнинг саъйи-ҳаракати бетакрор эпизодлар орқали кўрсатилиб, унинг одамийлик фазилати камтарона акс эттирилган. Шу фильм ҳам сўнгги йилларда думи юлинган товуқдай томошабинга ҳавола этилди. Бу фильмда Шароф Рашидов қатори ўша даврда чўлни ўзлаштиришда фаол қатнашган партия ва давлат арбоблари ҳам тасвирланган. Лекин улар «ўзбеклар иши» деб аталган касофат туфайли Гдлян, Ивановлар исканжасида қолишди. Қайчилашлар кино санъатимизга катта зарар келтирди. Бу ўринда ўзимизнинг ҳам гуноҳимиз борлигини унутмаслигимиз даркор. Чунки, биз, қаламкашлар, гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай, бу ишнинг бизга даҳли йўқ қабилида иш тутдик.

Гапирадиган бўлсак — гап кўп. Лекин ҳақиқат гап шуки, замон қайси йўсинда ўзгаришидан қатъи назар, тарихни ўзгартиришга ҳеч кимга ҳақ-ҳуқуқ берилган эмас. Бундай ўзбошимчаликни фақат виждонини ютган, имондан чиққан шахсларгина қилиши мумкин.

Яхшиямки, қўлимизда ўша фильмларнинг негатив лента-лари сақланиб қолган. Бизнингча, бу фильмларни ўз ҳолича тиклаш фурсати етиб келди.

Ҳозир марҳум Шароф Рашидовнинг 75 йиллиги муносабати билан ҳамма ерда тайёргарлик ишлари бораётган бир пайтда экранларимизда шу улуғ сиймони киноленталар орқали томошабинга кўрсатсак, мақсадга мувофиқ иш қилиб, у зотнинг руҳини шод этган бўлардик.

Маннон ҒАНИ,
Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.
(Ушбу мақола қалам ҳақини таҳририят фондига ўтказишни сўрайман).

МЕҲРИ ҚУЁШ ИНСОН

Жумҳуриятимизнинг барча олийгоҳларида таълим олаётган тенгдошларим қатори 1962 йил ноябрь ойида ҳарбий мажбурий хизматга чақирилдим. Олтиариқлик Собиржон Ғафуржонов, наманганлик Шарифхўжа Валихўжаев, оқтошлик Ёвқочди Муҳаммадиевдек ўзбек ўғлонлари билан Тинч океани флотининг турли қисмларида хизматни ўтадик. 1965 йилнинг сентябрь ойларида Ўзбекистондан посилка олиб, дўстларимиз билан ўртоқлашаётганимда «Қудратли тўлқин» китобини кўриб, ҳаммамиз қувондик. Бошқа қисмда хизмат қилаётган ҳамюртларимиз ҳам қувониб-қувониб Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романини ўқишди. Бу китоб ҳаммамизда жуда катта таассурот қолдирди.

Мен миннатдорчилик мақсадида Шароф Рашидовга мактуб йўлладим. Хизматни ўтаётган порт шаҳримиз — Советская Гавань Ўзбекистондан 9 минг километр (темир йўл бўйича) масофада эди.

Шунда қисмимиз почтальони меннинг номимга бандероль борлигини, ўзбекча ўйинга тушиб берсам беражагини айтди. Шартни бажариб, бандереолни очиб қарасам, Шароф Рашидов дастхатлари ёзилган «Могучая волна» роман-газетасини юборган эканлар. Дастхатда шундай ёзилган эди: **«Укам Валижон Қаҳҳоровга. Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан муаллиф Ш. Рашидов. 23 ноябрь, 1965 йил».**

Бизларнинг қанчалик қувонганимизни бир тасаввур қилинг-а! Бу азиз китобни жуда жуда кўп хизматдошларимиз ҳам ўқиб чиқишди. Мана ,27 йилдирки, бу ажойиб ёдгорликни кўз қорачиғидай асраб келмоқдаман.

1979 йилда Қоракўл район партия комитетининг иккинчи котиби бўлиб ишлаб юрган вақтимда пахта йиғим-терими мавсумининг энг қизғин палласида Ш. Рашидов Бухорога ташриф буюрдилар. Шунда обкомнинг вакили бўлиб мен билан жуда кўп ҳамсуҳбат бўлган обком секретари, ажойиб инсон, шоир Тошпўлат Ҳамид Шароф Рашидовга 15 йил олдин Тинч океани флотида хизмат қилган солдатга китоб юборганлари ва ҳозирда шу одам районда иккинчи котиб бўлиб ишлаётгани айтганда, мени дарҳол чақириб, ўша роман-газета варақлаб, ўзлари ёзган дастхатни баланд овоз билан ўқиб бердилар ва мендан «Бош миллат йигитлари ҳам ўқиди. ні» деб сўрадилар. Мен ҳатт қўшни қисмлардаги дўст-таниш-лар ўқиганини, шунинг учун китоб анча урганганини, айрим варақларнинг четлари йиртилиб қолганини айтдим.

Шундан сўнг Шароф ака даврада ўтирган икки обком котиби, мен ва райкомнинг биринчи котиби Исожон Барноева китобнинг ёзилиш тарихи, асар қаҳрамонларининг ҳаётига доир воқеаларни қайриб бир соат сўзлаб бердилар.

Валижон ҚАҲҲОРОВ,
Бухоро вилояти Вобкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 7-уй.

Сўққа бош бўлганим учун кўпинча ишхонамда қолиб кетардим. Таҳририят ҳоналаридан бири менинг тунаб қоладиган иккинчи уйим эди. Муҳарриримиз Шароф Рашидовнинг менга жони ачишини билардим. Буни мен бўлимимиздаги одамлардан, бўлим бошлиғимизнинг муносабатларидан билиб юрардим.

— Ука, сизни уйлантирмоқчимиз, — деб қолдилар бир кун Шароф ака. — Ҳа, шунақа, уйлантириб қўямиз.

ҳонгиров «менинг янги костюмимни киясан», — деди. Домла Шайхзода ошнинг ёғини кўтарадиган бўлди, Қўй, дастурхон безагини муҳарриримиз Шароф ака ўз зиммасига олди...

Уйланишим ҳақидаги Шароф ака билан суҳбат бўлганда 1949 йил 5 ноябрь эди. Тўйимиз эса 29 ноябрь куни зўр тантана билан ўтди. Ҳа, мана шундай инсонлардан давлат арбоблари етишиб чиқар экан. Ўзи учун эмас, ўзгалар учун,

ЕТИМНИНГ ТЎЙИ

Мен нима дейишимни билмай, ҳол-аҳволимни айтиб солдим.

— Отамни кўрмаганман. Онамдан укам тўрт, мен олти ёшимизда адашиб қолганмиз. Шундан кейин болалар уйида тарбияландим. Укам ҳали топилганича йўқ. Онамни яқинда топдим. Уйланиш учун эса аҳча керак. Умрим болалар уйида, армия хизматида ўтди. Уйланиш ҳаёлимда ҳам йўқ...

Шунда мен муҳарриримиз Шароф ака билан туғишган акам, отам билан гаплашгандай бўлдим. Ёлғиз кишига бир оғиз ширин сўз нақадар азизлиги жуда билинаркан...

Тўй тараддуди бошланиб кетди. Болалар уйида бирга тарбияланган марҳум бастакор Абдураҳим Муҳамедовнинг синглисини келин қилмоқчи бўлдим. «Ленин учқуни» газетасининг муҳаррири (болалар уйида бирга бўлганмиз) Жа-

жамият учун, халқ учун яшаган Шароф Рашидов ана шундай беғубор, халқпарвар инсон эди. Унинг руҳи биз билан ҳақиқат дунёсида машъал бўлиб нур сочиб турибди, ҳақиқат бор, деб мана шунга айтадилар.

Ҳар гал таҳририятга келганимда ўша кўмир билан иситиладиган печкали хона ва муҳаррир қабулхонасини хаёлан зиёрат қиламан. Кўз олдимда Шароф ака оталиқ меҳри билан жилмайиб:

— Аҳволинг қалай, етимча, — деб сўраётгандек бўладилар.

— Раҳмат, Шароф ота, Худога шукур. Саккиз фарзандим, 26 неварам бор, сизга минг раҳмат, дейман...

Раҳматилла ИСҲОҚОВ,
«Қизил Ўзбекистон» [ҳозирги «Ўзбекистон овози»] газетасининг собиқ ходими.

● Ушбу саҳифа материалларини чоп этишга «Ўзбекистон овози»нинг ижтимоий адолат бўлими мудири Тўхтамурод ТОШЕВ тайёрлаган.

МУНОСИБ ИШ БЎЛАДИ

«Шарофнома» рукни остида чиқаётган мақолаларни ўқиб жуда хурсанд бўлаяпман. Ҳа, ҳақиқатан ҳам адолат синмайди, вақтинча эгилиши мумкин, бари бир адолат тантана қилиши муқаррар эканлигини ўзбек халқининг буюк фарзанди Ш. Рашидов номининг қайта тикланишида кўриш мумкин.

Шахсий кутубхонамда ҳамон Ш. Рашидов асарлари турибди. Баъзилар ўша турғунлик йилларида бу китобларни йўқ қилиш керак, келажагингизга тўсқинлик қилади, деб «маслаҳат» ҳам беришди. Мана, яна ўшалар Ш. Рашидов асарлари қайта нашр этилмасмикин, деб жар солиб юришибди.

Яқинда Тошкент шаҳрига бордим, метрога тушдим. Метро бекатларининг чиройлиги, ўнғайлигини кўриб ҳузурланасан, киши. Улардан ташқари ҳозирги бозор иқтисолиёти туфайли автобус, таксилар нархи қиммат. Лекин, метро арзон ва қулай экан. Бир таксичидан С. Раҳимов бекатидан то Беруниийгача қанчага олиб борасиз, десам 100 сўм бўлади, деб айтди. Метрода эса 30 тийин билан борса бўлади.

Шуларни кўриб Тошкент метросига, ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, унинг учун меҳнат қилмаган, бош қотирмаган В. И. Ленин номи билан аталишига чидаб бўладими?

Менинг таклифим— Тошкент метрополитенини Ш. Рашидов номи билан атасак мақсадга мувофиқ иш бўлур эди.

Ҳасан ЎРМОНОВ,
Гулистон шаҳар Мирзо Улуғбек номли 10-ўрта мактаб директори.

* * *

Яқинда республика ўқитувчилар малакасини ошириш курсига бориб, Тошкент билан анча мукаммал танишиш имкониятига эга бўлдим. Зилзиладан кейин қурилган осмонўпар бинолар, Тошкент метрополитени, Халқлар дўстлиги саройи — бири биридан чиройли, бири биридан кўркам ва муқташам. Эрталаб кун чиқаётганда Халқлар дўстлиги саройнинг бир қарасангиз ҳаёлингдан ўтадиган буюк иш қилинганини тасаввур қила оласиз. Шу даврларда аслида мустамлака бўлган Ўзбекистон учун Москвадан шунча маблағни ола билган, шунингдек, жумҳуриятда янги-янги шаҳарлар, қишлоқлар ва қўрғонлар, улкан сув омборлари қурилишининг раҳнамоси бўлган Ш. Р. Рашидовнинг номини бирор жойда ҳам учратмадим. Ҳатто унинг қабрини ҳам йўқ қилишибди. Қаергга қарамаанг, Ленин номи. У тузган жамиятнинг қай аҳволга тушганига изоҳ талаб қилинмаса керак. Шунинг учун Тошкент метрополитени ёки Халқлар дўстлиги саройига Ш. Рашидов номини беришни таклиф қиламан. Бу ёлғиз ўзимнинг фикрим эмас, курсга келган тингловчиларнинг кўпчилиги шундай фикрда.

Олим РЎЗИМОВ,
Хоразм вилояти, Ҳазорасп ноҳиясидаги Карл Маркс номли 14-ўрта мактабининг математика ўқитувчиси.

• *Маданият янгиликлари*

ЁШЛАРГА МУКОФОТ

● Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Наманган вилоят бўлими ҳузурида Алишер Навоий номидаги мукофот жамғармаси ташкил этилди.

Жамғарма адабий учрашувлар, китобхонлар конференциялари ўтказишдан тушадиган маблағдан иборат бўлади. Вилоят бўлимининг янги ташвиқот бўлимаси ишлаб топган пулдан муайян қисми ҳам шу жамғармага ўтказилади. Бўлинма турли оммавий тадбирларни ўтказиш режаларини тайёрлаш билан шуғулланади.

Анжуман мукофотлари билан биринчи навбатда асарлари китобхонлар томонидан эътироф этилган ёш шоирлар ва драматургларни тақдирлашга қарор қилинди.

НОЁБ ЭКСПОЗИЦИЯ

● Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг кўргазмалар зали витриналаридан бирига элликдан ортиқ кичик чинни буюмлар жойлаштирилди. Бу ёш, лекин етарли даражада танилган Шаҳноза Мўминовانинг шахсий кўргазмасидир.

Унинг асарларини Ўзбекистондаги, бошқа Ҳамдўстлик давлатларидаги кўпгина музейларда кўриш мумкин.

Кўргазмалар залига келувчилар бу ноёб буюмларни зўр эътибор билан томоша қилмоқдалар. Шаҳноза Мўминова чиннидан фойдаланиб, ўз фикрлари ва туйғуларини ноёб буюмларида акс эттира олган.

Кўргазма ташкилотчиларига бу буюмларни чет элларда намойиш этиш тўғрисида ҳозироқ бир неча таклиф тушди.

ҲАВАСКОР САНЪАТКОРЛАР КЎРИГИ

● Андижонда ўтган бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг кўрик-танловида кўпгина ёш истеъдодлар борлиги аниқланди.

Уни халқ таълими вилоят бошқармаси маданият уйи ходимлари ташкил этдилар. Танловда вилоятдаги ҳунар-техника билим юртларида таълим олаётган йигит ва қизлар — бадиий ҳаваскорлар шаҳар ва район кўрикларининг ғолиблари иштирок этдилар.

Артистлар, музикашунослар, муаллимлардан иборат талабчан ҳакамлар Андижондаги биринчи ўрта ҳунар-техника билим юртининг «Ўзбекистон» дастаси тамошаларини энг яхши деб ҳисобладилар. Избоскан, Кўрғонтепа ва Шаҳрихон районларидаги ҳунар-техника билим юртларидан келган ёш қўшиқчилар ва машшоқлар ҳам танлов совриндори бўлдилар.

КЎРГАЗМА-САВДО

● Ўзбекистон рассомлари асарларининг «Интурист» маданият-ахборот марказида очилган кўргазмасида турли йўналишлар ва мактабларга оид ранг-тасвир асарлар қўйилган.

Кўргазма ташкилотчиларининг мақсади республикага келган хорижий меҳмонларни рассомлар бир неча авлодининг ижоди билан таништиришдан иборат. Бу рассомлар орасида И. Мансуров, А. Икромжонов, Л. Давас, Л. Содиқова ва бошқа таниқли мўйқалам усталари бор.

Кўргазманинг яна бир ўзига хос жиҳати бор. Бу ерда намойиш этилаётган элликта ранг-тасвир асарларини харид қилиш мумкин. Санъат шайдолари ҳозиргача кўпгина асарларни сотиб олишди.

(ЎзА).

Дуторимнинг янгроқ овози,
Таралаверсин, баралла!
(Суратда: қашқадарёлик Азим шоир Хўжаев).

Б. ИСМОИЛОВ олган сурат.

СПОРТ

БИРИНЧИ ФИНАЛЧИ

●ШВЕЦИЯДА бир неча кун давом этган Оврупо чемпионати якунланмоқда.

Саккиз жамоа икки гуруҳга бўлиниб, саралаш ўйинларини ўтказгач, совринли ўринларга даъвогар ярим финалчилар маълум бўлди. Зеро, олдиндан қилинган таҳминлар пучга чиқди. Хусусан, МДҲ, Франция, Англия каби кучли футбол жамоалари қолиб, Швеция ва Дания терма жамоалари ҳам курашни давом эттириш имкониятига эга бўлишди. Дастлабки ярим финал учрашуви бўлиб ўтди. Майдон эгалари билан Олмония футболчилари ўртасидаги учрашув қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. Учрашувда жами бешта тўп киритилди. Олмония футболчилари 3:2 ҳисобида ғалаба қозониб, финалга йўлланма олишди. Кеча иккинчи ярим финалчилар: Голландия — Дания футболчилари майдонга тушдилар. Қитъа чемпиони ким бўлишлиги аниқланишига оз вақт қолди.

БИР ХИЛ ҲИСОБЛАР

● ОЛИЙ ЛИГА футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг 17-тур ўйинлари ўтказилди.

Маълумки пахтакорчилар учрашувни бир кун олдин «Сўғдиёна» жамоаси билан ўтказишди. Ҳозирча ягона пешқадам бўлиб турган «Пахтакор» 4:1 ҳисобида ғалаба қозониб, мавқеини мустаҳкамлади. «Навбаҳор» — «Наврўз» учрашувида майдон эгалари дарвозага иккита тўп киритишди. Қолган бешта ўйин бир хил — 1:0 ҳисобида тугади. Фақат «Трактор» ўз майдонида нурафшончиларга (0:1) имкониятни бой берди. Бошқа учрашувларда майдон эгалари ғалаба қозонишди.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

		Ю	Д	М	Т	О
Пахтакор	11	2	2	34-11		24
Нефтчи	10	3	2	27-6		23
Навбаҳор	8	5	3	24-10		21
Нурафшон	8	5	2	21-10		21
Сўғдиёна	9	1	5	20-14		19
Темирйўлчи	7	8	4	19-10		18
Наврўз	6	6	4	19-18		18
Косонсойчи	7	2	6	20-13		16
Пахтакор-79	6	2	7	18-26		14
Марқанд	5	4	7	18-23		14
Шаҳрихончи	3	6	6	11-24		12
Трактор	5	1	9	14-24		11
Кимёгар	4	3	8	13-22		11
Орол	4	3	8	10-18		11
Чирчиқ	4	2	8	15-21		10
Сурхон	0	7	7	9-24		7
Янгийўл	2	2	11	13-21		6

• МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ •

ЗАҲАРЛИ АЛАФЛАР

ЕКИ ҚЎЛБОЛА ОШХОНАЛАРНИНГ ОДАМЛАР САЛОМАТЛИГИГА ХАВФ ТУҒДИРАЕТГАНИ ХУСУСИДА

Бозор иқтисодиёти турмушимизга кўпгина янгиликлар берди. Улардан бири илгариги умумий овқатланиш корхоналари яккаҳокимлигига қарама-қарши тарзда хусусий ошхона, чойхоналарнинг пайдо бўлишидир. Бу иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришларнинг ўзига хос бир кўриниши. Давлат умумий овқатланиш тизимига муқобил фаолият кўрсатаётган бундай мустақил ошхона, чойхона, сомсахона ва кабобхоналарни табриклаш керак. Зеро, энди хўранда учун танлаш имконияти кўпаяди. Ўзаро рақобат кучайиб таомларнинг сифати, тўйимлилиги ошади.

Шу кунларда Фарғона вилояти йўллари ёқасидаги боғ-роғлар, соя-салқин жойларда худди ёмғирдан кейинги қузиқоринлардай бирин-кетин бодраб кўпаяётган кичик ошхона, сомсахона, кабобхоналарни кўрасиз. Уларнинг кўпида шароит яхши, таомлар санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинган ҳолда тайёрланмоқда. Афсуски, нишонинг иккинчи томони ҳам бор...

— Кейинги пайтларда вилоят шаҳар ва қишлоқларида юзлаб ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган, зарур шарт-шароитларга эга бўлмаган қўлбола ошхоналар юзага келди, — дейди вилоят санитария-эпидемиология станцияси бош врачи А. Абдуқодиров. — Асосан катта йўллар ёқаларида, гавжум жойларда очилган бундай ошхоналар, шунингдек, уйда турли таомлар, айрон тайёрлаб чиқиб сотадиган хонаки ошпазлар маҳсулоти аҳоли саломатлиги учун жиддий хавф туғдирмоқда. Зеро, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмайдиган, саломатлиги хусусида тегишли тиббий текширувдан ўтмаган кишилар ишлаётган ошхоналарда овқатланган хўрандалар ўртасида турли ўткир юқумли, ошқозон-ичак касалликларига чалиниш миқдори кўпайиб бормоқда. Ҳозирку бир нави, аммо сартонда кунлар исиб, таомлар тез бузиладиган пайт келгач, бу ошхоналар эпидемия тарқаладиган «ўчоқ» бўлиб қолиши мумкин...

— Ахир бундай ошхоналарни беркитиб қўйиш, мавжуд қоидаларга мувофиқ ишлашни талаб қилиш сизнинг вазифангиз эмасми?

— Тўғри, бу бизнинг вазифамиз. Бироқ вазият сиз ўйлаганчалик жўн эмас...

Эртасига вилоят санитария-эпидемиология станцияси бўлим мудири Хидоятилло Сўпиев ҳамроҳлигида шундай ошхоналарни текшириш учун сафарга чиқдик.

Риштон район табиий газ омбори қошида ҳеч қандай рухсатсиз сомсахона ташкил этилган. Кўл ёқасидаги тандирга чанг-тўзон, машиналардан чиққан заҳарли газлар ўтиради. Сомсахона мудири Абдуғани Тўйчиевни учратаолмадик. Сомсапаз йигитча эса медицина кўригидан ўтмаган. Гўшт маҳсулотларини сақлаш учун совутгич йўқ. Риштон — Ўқчи катта йўли бўйида қурилган иккинчи сомсахонада ҳам шу аҳвол. Э. Поччаевга қарашли бу сомсахонада ҳам санитария қоидаларига мутлақо риоя қилинмайди.

«Ўрикзор» давлат хўжалиги идораси ичидаги боғда А. Исаев деган кимса ошхона очиб олган. Бу ерда палов ва бошқа миллий овқатлар тайёрланади. Ошпазлар медицина кўригидан ўтишмаган. Идиш-товоқ ювадиган, масаллиқ тайёрлайдиган махсус хоналар йўқ.

— Биз бу қўлбола ошхоналар фаолияти аҳоли ўртасида овқатдан заҳарланиш касалликларини келтириб чиқариши ҳақида Риштон район прокурори ўртоқ М. Ҳомидовга хат билан мурожаат қилганмиз. Афсуски, прокуратура ҳам бизга кўмакка келмади, — дейди район сан-эпидстанция ходими Х. Жумаев.

Тошкент — Ўш катта йўли ёқасидаги ғарибгина кабобхонада бир киши кабоб елпиб турибди. Кабобхона ёнида тоғора тўла айрон ҳам сотилмоқда, кабобфуруш Т. Бурхонов Ёзёвон районидаги Чўли Гулистон қишлоғи фуқароси. У медицина кўригидан ўтмаган. Масаллиқларни қаердан олганлиги ҳақида ҳужжати йўқ. Кабоб тайёрлаш учун шароит яратилмаган. «Совутгичингиз қани?» —деган саволга у кабобхона ёнидан оқаётган бетон ариққа ишора қилиш билан жавоб берди. Т. Бурхонов кабоб қилинадиган гўштни халтага солиб, ариқда оқаётган лойқа сув ичига ташлаб қўйган. Бўтана сув совутгич вазифасини ўтаркан! Текшириб кўрилганда гўшт айнаб қолгани маълум бўлди. Ана сизга қўлбола ошхонанинг аҳволи! Шу йўлдан хиёл нарига юрсангиз «Туонекс» фирмасига қарашли «Лаззат» кооператив ошхонасига рўпара келасиз. Бу ерда ҳам санитария қоидаларига риоя қилинмайди. Ёзёвон шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари уюшмасига қарашли Мухтор Мирзараҳимов мудирлик қилаётган кабобхонада ҳам тегишли шарт-шароитлар йўқ. М. Мирзараҳимов кабобга қўшиб спиртли ичимликларни ҳам уриб сотяпти. Фарғона шаҳар матлубот жамиятига қарашли Й. Маматбеков бошлиқ ошхона, Олтиариқ 4-ишчилар таъминоти бўлимига қарашли Э. Собиров мудирлик қилаётган ошхона ва бошқа ўнлаб жойларда мана шундай ҳолнинг гувоҳи бўлдик.

Учкўприк районига кираверишдаги Фарғона ўрмон хўжалигининг Ўрикзор боғи ичида уч-тўртта стол-стул қўйилган. Темир ўчоқдаги катта қозонда белига қора фартук боғлаб олган йигитча хўрандаларга ош тортяпти. Биз ошпазни бир дақиқага таклиф этдик.

— Ошхона ким томонидан ташкил этилган? Қаерда рухсатдан ўтдинглар?

—...

Бостирмага ўхшаш енгилелпи қурилган кичкина хона ичида турли масаллиқлар қалашиб ётибди. Ошпаз О, Исломов яқинда армиядан келибди. Иш тополмагач, ўрмон хўжалиги раҳбарларидан рухсат олиб шу ерга ошхона очиб қўя қолибди. У медицина кўригидан ўтмаган. Умуман бу ерда тайёрланган паловнинг хўрандани касалга чалинтирмаслиги учун ҳеч қандай кафолат йўқ.

Ҳа, вилоят йўллари ёқаларида овқат, сомса, айрон, кабоб тайёрлаб сотаётган, кўчалардаги қўлбола столларга ичимлиқу-сигаретанинг бир туридан қўйиб савдо қилаётган сон-саноқсиз кишилар пайдо бўлди.

— Бундай «кичик корхоналар»нинг деярли ҳаммаси аксарият ҳолда молия идораларида рўйхатга ўтиб олганлар. Молиячилар улардан бюджетга тушадиган даромадни ўйлаб, шарт-шароитларни текширмасдан патент бериб юборишяпти, — дейди Х. Сўпиев. — Биз эса рухсатсиз ошхона очганлиги учун ошхона мудирларига 10 сўм миқдорида жарима сола оламиз, холос.

Қаранг, ҳозирги шароитда бу атиги ярим порция овқатнинг пули... Бизнингча, молия ташкилотлари хусусий овқатланиш корхоналари очилишига рухсат беришдан аввал шаҳар ва район санитария-эпидемиология станциялари розилиги олиши лозим. Биз эса жойни текшириб, ошпазларни тиббиёт кўригидан ўтказиб, етарли шат-шароитлар мавжуд бўлгандан кейин бунга рухсат берамиз. Лекин аҳвол ҳозирги тарзда давом этаверса, одамлар саломатлиги учун жиддий хавф туғилиши мумкин.

Бундай қўлбола ошхоналар нафақат Фарғона вилояти, балки республикада минглаб ташкил этилган. Бизнингча республикадаги тегишли идоралар, қонун чиқариш органлари айни кунларда шу соҳа устидан қаттиқ назорат ўрнатишлари, санитария-эпидемиология хизматининг ҳуқуқ доирасини кенгайтириши, улар фаолиятининг таъсирчанлигини ошириш чораларини кўриши керак.

Йўл ёқаларидаги боғроғлар ичида пайдо бўлаётган бундай ошхоналарга қаршилигимиз йўқ. Улар халқимизга кутилган даражадаги хизмат кўрсатадиган озода, шинам масканларга айланаверсинлар. Аммо эътиборсизлик, лоқайдлик оқибатида йўл ёқасидаги ўт-ўланлар ичида учраб турадиган заҳарли алафдек саломатлик заволи бўлиб қолишмасин!

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

„ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ“ ГАЗЕТАСИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

ҚУВАСОЙ ЦЕМЕНТ КОМБИНАТИ 60 ЁШДА

ҚУВАСОЙ ЦЕМЕНТИ ҲАР ҚАНДАЙ ШАРОИТДА МУСТАҲКАМ, ПИШИҚ, ИШОНЧЛИДИР

Унинг сифатига ўз конларида тампонаж цементларини қўллаган афғонистонлик ҳамда ўзбекистонлик нефтчилар ва газчилар плотиналарига бизнинг «портланд»ни қўйишган. Тўхтагул, Қурпсой ва Андижон ГЭСи гидроқурувчилари юқори баҳо беришган.

Бутун Фарғона водийси, яна учта мустақил республиканинг бешта вилоятида турар жойларни, маданий муассасаларни ва саноат корхоналарини қуришда Қувасой цементидан ва бизнинг бошқа қурилиш ашёларимиздан фойдаланишади.

Цементни тўғридан-тўғри етказиб бериш учун биз билан шартнома тузсангиз маҳсулотимизнинг ишончли эканига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Агар сизга шифер, гипс, известь каби бошқа қурилиш ашёлари керак бўлса, маҳсулотларимизга айирбошлаш учун биз билан шартнома тузишни таклиф этамиз.

БИЗ СИЗДАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ ОЛАМИЗ:

- **АП—50 АВТОМАТИ,**
- **КАБЕЛЬ,**
- **ЭКВ—4,5;5 КУБ ЭКСКАВАТОРИ,**
- **«ДЭТ» БУЛЬДОЗЕРИ,**
- **УТГА ЧИДАМЛИ ҒИШТ,**
- **КТП—610,4 КВ. ТРАНСФОРМАТОР ПОДСТАНЦИЯСИ**
- **4ВР3 ХОРИЖИЙ ТРУБОКОМПРЕССОРЛАРИГА ЗАҲИРА ҚИСМЛАР,**
- **УНИВЕРСАЛ ТОКАРЛИК СТАНОКЛАРИ,**
- **ҚАМАЗ, УАЗ—469 АВТОМАШИНАЛАРИ,**
- **ЕҒОЧ ВА ЕҒОЧ МАҲСУЛОТЛАРИ,**
- **ТУРЛИ МЕТАЛЛАР.**

Бу маҳсулотларнинг барчасини Сиздан келишилган нархларда сотиб олишимиз ҳам мумкин.

Хат ва таклифлар билан қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

713831, Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри.

Қувасой цемент комбинати.

Маълумот учун телефонлар: 3-27-92, 3-22-83, 3-28-60.

• *Вилоятлардан дараклар*

ҲАММА УЧУН НАФ КЕЛТИРИБ

● Ўзбекистон металлургия заводи цехлари ва бўлимларининг жамоалари ишлаб чиқаришга янгиликлар киритиш топшириқларини муваффақиятли бажармоқдалар. Улар корхона ҳамёнига икки юз минг сўмча қўшдилар, бу режалаштирилганидан икки баравар кўп.

Бозор муносабатларига ўтилаётган, пул қадрсизланган ҳозирги пайтда пул асосий кўрсаткич эмас. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, корхона ишини барқарорлаштириш йўлларини излашнинг ўзи ҳам муҳим. Масалан, қирраси 45 миллиметрли уч бурчак пўлатни прокатлаш технологиясини ўзлаштириш маҳсулот турларини кўпайтириш учун чинакам имконият яратади. одамларни иш билан таъминлайди. Завод мутахассисларининг 25 минг киловатт қувватли трансформаторни ўрнатишлари цехларни электр билан таъминлашнинг кўпгина муаммоларини ҳал қилди.

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛЛАРИ

● ШИНЖОНГ-Уйғур мухтор районидаги Умумхитой ташқи савдосотиқ ва техник-иқтисодий компанияси вакиллари Андижон вилоятида бўлиб, енгил машиналарга техник хизмат кўрсатиш корхоналарининг иши билан қизиқиб қолдилар. Маълум бўлишича, Шинжонгда собиқ Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган қариб эллик мингта енгил машина бор экан.

Меҳмонларнинг таклифи билан уларнинг юртида вилоят «Автотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмасининг корхонаси очиладиган бўлди. Андижонлик ўн нафар уста июль ойида Шинжонгга йўл олади. Улар устахона очиб, аҳоли ва муассасалар енгил машиналарини таъмирлаш пуллик хизматини йўлга қўядилар.

ЎзА.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

Йилига 256 марта чиқади.

386.914 нусхада чоп этилмоқда.

Нашр кўрсаткичи—64583.
Буюртма № Г—182.
№ 122.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди —21.55. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.